DOI: https://doi.org/10.5281/zenodo.7631795

Pages: 275-283




WOMEN IN SUSTAINABLE DEVELOPMENT: SCIENCE AND QUALITY EDUCATION

3RD INTERNATIONAL CONFERENCE



# ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ДАСТУРЛАРИ ОРҚАЛИ ТАКАФУЛНИ ЎРГАНИШ МАСАЛАЛАРИ

***Ойбек Исаев***

*Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси Кенгаш котиби,*

***isaev@bfa.uz***

**Калит сўзлар:** Ислом молияси, исломий суғурта, такафул, қалтисликлар, жаҳон амалиёти.

**Аннотация:** Ушбу мақолада Ўзбекистонда жуда катта потенциал талабга эга бўлган соҳа – Ислом молияси хизмат турларидан бири ҳисобланган такафулни кенг жорий қилишнинг иқтисодий аҳамияти ва таълим дастурларида орқали ўрганишда ва кадрлар етиштиришда муҳимлиги очиб берилган.

Мақолада такафулнинг кенг жорий этилиши аввало бу соҳада таълимнинг кенгайишига туртки бўлиши баробарида юридик ва жисмоний шахслар учун ушбу йўналишнинг афзалликларига эга бўлишлари, Ўзбекистон суғурта бозорини янада ривожлантириши, қадриятлари бўйича ушбу хизмат туридан фойдаланмаётган Ўзбекистондаги кўплаб юртдошларимиз учун суғурталанишга имкон яратилиши, натижада айрим мавжуд долзарб муаммоларни ҳал этишга хизмат қилиши кўрсатиб берилган ва албатта Ислом молиясининг ушбу хизмат туридан кенг қўллашга зарурият борлиги асосланган.

Шунингдек, Ўзбекистонда суғурта бозорида анъанавий суғурта маҳсулотлари билан биргаликда Ислом молияси маҳсулотларидан бири ҳисобланган такафулни ҳам қўллаш мумкинлиги, буни дунёдаги етакчи давлатлар ҳам амалда муваффақиятли қўллашаётгани ва Ўзбекистондаги такафул бўйича хизмат турларини кенгайтириш, шунингдек такафулни олий таълимда иқтисодий фанлар қаторида таълимга киритиш долзарблиги кўрсатилган. Бундан ташқари Ўзбекистонда такафулни кенг жорий қилиш бўйича илмий хулоса ва таклифлар тақдим этилган.

# ISSUES OF LEARNING TAKAFUL THROUGH EDUCATIONAL PROGRAMS IN UZBEKISTAN

**Key words:** Islamic finance, Islamic insurance, takaful, calisthenics, Risks, Global Practice.

**Abstract:** This article reveals the economic significance of the wide introduction of takaful, which is considered one of the services of Islamic finance, an area with a great potential demand in Uzbekistan, and the importance of learning and training through educational programs.

In the article, the wide introduction of takaful, first of all, will stimulate the expansion of education in this field, so that legal entities and individuals will have the advantages of this direction, further develop the insurance market of Uzbekistan, create an opportunity to get insurance for many of our compatriots in Uzbekistan who do not use this type of service according to their values, and as a result, solve some current problems It has been shown that this type of service can be widely used in Islamic finance.

It is also shown that takaful, which is considered one of the products of Islamic finance, can be used in the insurance market in Uzbekistan together with traditional insurance products, which is successfully used by the world's leading countries, and the importance of expanding the types of takaful services in Uzbekistan, as well as including takaful in higher education as part of economic sciences. In addition, scientific conclusions and proposals on the wide introduction of takaful in Uzbekistan are presented..

# ВОПРОСЫ ИЗУЧЕНИЯ ТАКАФУЛА ЧЕРЕЗ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫЕ ПРОГРАММЫ В УЗБЕКИСТАНЕ

**Ключевые слова:** Исламские финансы, исламское страхование, такафул, риски, мировая практика.

**Аннотация:** В данной статье раскрывается экономическое значение широкого внедрения такафул, который считается одной из услуг исламских финансов, областью с большим потенциальным спросом в Узбекистане, и важность обучения и повышения квалификации по образовательным программам.

В статье дается обоснование широкому внедрению такафул, что в первую очередь, это будет стимулировать расширение образования в данной сфере, что позволит юридическим и физическим лицам пользоваться преимуществами этого направления, еще больше развивать страховой рынок Узбекистана, получать страховые услуги многими нашими соотечественниками в Узбекистане, которые не используют этот вид услуг по некоторым причинам (ценности). В итоге показано, что создание подобных услуг служит для решения некоторых текущих проблем, основанных на необходимости широкого применения данного вида услуг исламских финансов.

Также показано, что такафул, считающийся одним из продуктов исламского финансирования, может

использоваться на страховом рынке Узбекистана вместе с традиционными страховыми продуктами, что успешно используется ведущими странами мира, а также важность расширения видов такафул-услуг в Узбекистане, а также включение знание по такафулу в высшее образование как часть экономических наук. Кроме того, представлены научные выводы и предложения по широкому внедрению такафул в Узбекистане.

**Кириш.**

Ислом оламида суғуртага муносабат ноаниқ эди, чунки исломнинг илк даврларида суғурта бўлмаган. Ибн Обидин (1836 йил) мусулмон ҳуқуқшунослари орасида суғурта ва унинг Исломдаги ўрнини ўрганган биринчи олимдир, чунки суғурта айнан ушбу олим яшаган даврда, яъни ҳижрий XIII асрда Шарқ мамлакатлари ҳаётига илк бор кириб келган. Бу вақтда Европа саноатининг ривожланиши билан параллель равишда Ғарб ва Шарқ ўртасидаги савдо алоқалари мустаҳкамлана бошлади. Бу тушунча ислом оламига мусулмон мамлакатларига музокаралар олиб бориш учун келган хорижий компаниялар вакиллари орқали, шунингдек, Европадан олиб келинган товарларни суғурта қилиш орқали кириб келган. Ибн Обидин ўзининг "ар-Радд ал-муҳтор" китобида «Мустаман» ("паспортли ғайримусулмон мусофир") сарлавҳаси остида бу мавзуга тўхталиб ўтган, чунки ўша даврларда ана шундай келишувларни тузадиган номусулмон савдогарларни шундай аташган [1.Б.1].

Суғурта моли эҳтимолий талофатга учраса, уни тўлаб бериш эвазига маълум маблағ ёки хизмат ёки бошқа бир молиявий тўлов тўлашни зиммасига олиб, суғурта қилувчи томонидан тўлаш орқали пул олиб тузиладиган шартнома. Бугунги кунда аксарият исломий олимлар ва ҳуқуқшунослар анъанавий суғуртани ножоиз деганлар, чунки унда тақиқланган учта элемент мавжудлигини кўришади, яъни: 1) ноаниқлик (ғарар); 2) қимор (майсир); 3) судхўрлик (рибо).

Албатта суғуртанинг тури кўп бўлиб, замонавий жамиятнинг жуда кўп жабҳаларида молиявий маҳсулот сифатида ишлатилади. Ислом дини жамиятда юзага келадиган барча масалаларга адолатли ечим берувчи дастур бўлгани сабабли, исломда такафул маҳсулоти анъанавий суғуртанинг ўрнига ечим сифатида таклиф қилинган. XX асрнинг охирги чорагидан бошлаб, шарқ мамлакатларида такафул жадал ривожланиши кузатилди. Такафул сўзи араб тилидаги кафала – “кафиллик”, “бир-бирига кафолат бериш” сўзидан олинган. Ислом суғуртасининг асосий мақсади - жабрланувчиларнинг зарарларида биргаликда иштирок этиш орқали унинг иштирокчилари манфаатларини кутилмаган нохуш ҳодисалардан ҳимоя қилишдир, шунингдек суғурта иштирокчилари томонидан фойда олиш (ўзаро эвазсиз молиявий ёрдам). Инсонда имконият бор экан, қўлидан келганча сабабларини қилиб, ўзига ёки мол-мулкига етиши мумкин бўлган зарарларнинг олдини олишга ҳаракат қилиши табиий ҳол. “Такафул” ва “ислом суғуртаси” атамалари бир-бирининг ўрнини боса оладиган атамалардир. Ислом суғуртаси – бу ўзаро ёрдам, бирдамлик ва кўмак тамойилларига асосланган бўлиб, бенефициарлар (яъни ёрдам лойиҳасидан манфаат олиши мумкин бўлган томонлар) дуч келадиган турли фалокат ва кўнгилсиз ҳолатлар, масалан, мол-мулкдан айрилиш ёки уларга зарар етиш каби ҳолатларда ечим ҳисобланади. Ислом молия муассасалари бухгалтерия ҳисоби ва аудити (AAOIFI) халқаро ташкилотининг 26-сонли стандартида, такафулга қуйидагича таърифланган: “Ислом молиясига мувофиқ суғурта – Шариат қоидалари ва тамойилларига риоя этадиган махсус компания бошқаруви остидаги, барча турдаги хавф-хатарларни қамраб олган суғуртанинг бир шаклидир”. Исломий суғурта шартномаси ўзаро ёрдам ва хайр-эҳсон асосида (жамғарма шаклида) тузилади, турли қалтикликлар туфайли вужудга келган зарар ёки йўқотишлар жамғарма аъзолари ўртасида адолатли тақсим этилади (яъни кўрилган зарар аъзолар томонидан киритилган маблағлар ҳисобидан қопланади)”. Такафул “ўзаро кафолатлаш”,

Ўзбекистон қонунчилигида ҳам кўзда тутилган амалиёт бўлиб, фуқаро ва ташкилотлар томонидан муайян пул маблағларини бирлаштириш йўли билан, амалга оширилиши мумкин бўлган икки томонлама суғуртага мос келади. Такафул тўғри амалга оширилиши учун махсус суғурта жамғармаси тузилади. Жамғарма аъзолари олдиндан эълон қилинган тартиб-қоидага кўра суғурта учун бадалларни эҳсон сифатида жамғармага киритишади, жамғарма эса ўз мулкига айланган ушбу маблағлар ҳисобидан аъзоларининг келишилган зарарларини қоплаб туради. Йил якунида суғуртадан ортган маблағларнинг бир қисми жамият низомидаги тартиб-қоидалар асосида кейинги йиллар захирасига олиб қўйилиши ёки аъзолар ўртасида тақсимланиши, вақф шаклида тузилган жамғарманинг қолдиғидан эса муҳтожларга моддий ёрдам ҳам кўрсатилиши мумкин. Жамғарма бошқаруви одатда тижорат ташкилотига топширилади. Бунда бошқарувчи ташкилот жамғармага эгалик қилмайди, балки жамғарма фаолиятини вакил сифатида бошқаради ва ўзининг хизматлари эвазига жамғармадан ҳақ олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бунда, бошқарувчи ташкилот ва жамғарма аъзолари ўртасида манфаатлар қарама-қаршилиги юзага келмайди, чунки жамғарма ҳисобидан зарарларни тўламасликдан бошқарувчи ташкилот ҳеч қанақасига манфаатдор бўлмайди. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаш лозим: жамғарманинг товон тўловидан ортган қисми жамғарма ва унинг аъзолари ихтиёрида қолдирилади, яъни бошқарувчи ташкилот тасарруфига ўтказилмайди. Баъзида кўрилган зарар тахмин қилинган кўрсаткичлардан юқори бўлиб қолиши ва шу сабабли жамғарилган бадаллар зарарларни қоплашга етмай қолиши мумкин. Шундай пайтларда товон тўлови учун керак бўлган маблағ жамғарманинг бошқарувчи ташкилотидан қарз ёки бошқа ўзаро суғурта жамиятларидан (аввалроқ тузилган келишув асосида) ёрдам сифатида олинади. Олинган қарзлар кейинги йиллардаги суғурта тўловларидан ортган захира ҳисобидан қайтарилади. Агар бошқа жамғармалардан, уларга

олдиндан бадал ўтказиб туриш ҳисобига, ёрдам пули олинган бўлса, ушбу ёрдам пули қайтарилмайди [2.Б.1].

**Асосий қисм**

Шуни таъкидлаш лозимки, такафул, иқтисодиётга анъанавий тижорий суғурта туридан кўра фойдалироқдир. Анъанавий тижорий суғуртада суғурта қилган шахс суғурта компаниясига суғурта учун пул тўлайди, лекин эвазига реал мол ёки хизмат эмас, келажакда содир бўлиши мумкин бўлган суғурта ҳолатида унга етган талафотни қоплаб бериш ваъдасини олади холос (бу – ғарар), суғурта компаниялари турли шахслардан суғурта бўйича тушган пулларни тижорат банкларига қўйиб фоиз олиб кўпайтиришади (бу – рибо). Такафул тизимида эса турли инсонлар томонидан жамғармага киритилган пуллар жамғармани бошқарувчи компания тарафидан (жамғарма аъзолари розилиги билан албатта) турли ҳалол лойиҳаларга муддатли ёки муддатсиз инвестиция қилинади (музораба капитали сифатида киритилади). Бундай фаолият доирасида олинган фойда исломий қонунчилик асосида келишувга асосан тақсимланади.

Замонавий дунёда такафулнинг асосий фаолияти сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин: 1) умумий такафул (general takaful); 2) оилавий такафул (family takaful).

Умумий такафул мулкни суғурталаш соҳасини қамраб олади, суғурталовчилар эса тўланган маблағлардан харажатларни чиқариб ташлагандан кейинги суғурталовчи ихтиёрида қоладиган фойданинг бир қисмига шерик бўладилар. Одатда умумий такафул доирасида қуйидаги суғурта турлари ажратилади: уй-жой суғуртаси (уй такафули), авто такафул, бахтсиз ҳодисадан мулкий манфаатларни суғурта қилиш.

Оилавий такафул бу анъанавий суғуртадан сезиларли фарқ қиладиган шахсий суғуртадир. Оилавий такафул доирасида қуйидаги суғурта маҳсулотлари ажратилади: оилавий такафул, инвестиция такафули, таълим олиш учун такафул, тиббий такафул ва соғликни суғурталаш бўйича такафул,

чет элга чиқувчи шахслар учун тиббий такафул, бахтсиз ҳодисаларга қарши такафул. Ҳозирда Ўзбекистон суғурта бозорида қуйидаги исломий суғурта хизматлари мавжуд:

- автотранспорт воситаларини ихтиёрий суғуртаси (йўл-транспорт ҳодисаси, учинчи шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари, табиий офатлар, бошқа кутилмаган ҳодисалар). Суғурта шартномаси бўйича суғурта суммаси томонлар келишуви билан белгиланади, лекин шартнома тузилган пайтдаги транспорт воситасининг бозор қийматидан ошмаслиги керак;

- Мулкнинг суғуртаси (такафул операторлари ўз мижозлари ва ҳамкорларига мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона ва ташкилотлар учун исломий мулк суғуртасининг кенг ассортиментини таклиф этишмоқда. Суғурта объектлари: бинолар, иншоотлар, жиҳозлар, мебеллар, оргтехника ва бошқалар. Такафул оператори (компанияси) қуйидаги қалтисликлар натижасида юзага келган жисмоний йўқотиш ёки суғурталанган мол-мулкнинг шикастланишидан бевосита зарарни қоплайди);

- Бахтсиз ҳодисалардан суғуртаси (бахтсиз ҳодисалардан исломий суғурта қилиш ижтимоий пакетнинг муҳим қисми ва ходимлар ва иш берувчи учун қўшимча ижтимоий кафолатдир. Полис бахтсиз ҳодиса ёки касаллик натижасида ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплашга, унинг оиласининг моддий фаровонлигини ҳимоя қилишга имкон беради. Бундай кафолат ходимларнинг ижтимоий хавфсизлик ҳиссини уйғотади, жамоада маънавий муҳитни яхшилайди ва раҳбариятнинг обрўсини оширади).

Глобал Ислом молияси (ИМ) активларининг тақсимланиши:

№ Тармоқ/актив тоифаси ИМ активларининг улуши Ҳажми (млн.АҚШ доллари Муассасалар сони Давлатлар сони

1 Ислом банклари 71% 1.721 505 69

2 Такафул 2% 46 324 47

3 Бошқа ислом молия муассасалари 6% 135 560 49

4 Сукук (исломий облигация) 17% 426 2.590 (чиқарилган сукук сони) 25

5 Исломий жамғармалар 4% 110 1.410 28

ЖАМИ 100% 2.438

Жадвалда [3.Б.1] 2020 йилдаги глобал ислом молияси активларининг тақсимланиши кўрсатилган, шу жумладан такафул ҳам.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 23 ноябрдаги “Суғурта фаолияти тўғрисида” ги Қонуни [4.Б.1], Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4412-сон қарори [5.Б.1] ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 октябрдаги “Суғурта бозорини рақамлаштириш ва ҳаёт суғуртаси соҳасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5265-сон Қарори [6.Б.1] суғурта хизматларига оид асосий қонунчилик хужжатлари ҳисобланади. Шу қонунлар ва қарорлар бўйича маълумотларга таяниб ислом молиясига алоқадор қуйидагиларни таъкидлаш жоиз бўлади:

- ислом молия маҳсулотлари ва хизматларини, жумладан, ислом суғуртаси бўлган «такафул»ни тартибга солувчи қонунлар йўқ;
- амалдаги банк фаолияти ва солиқ бўйича қонунчилик ислом ҳуқуқи тамойиллари асосида ишлайдиган банклар учун мослаштирилмаган;
- банклардаги мавжуд дастурий таъминот тизимлари ислом молия битимлари бўйича амалиёт ўтказишга мос эмас;
- ислом молияси ва банки бўйича мутахассислар олий таълим тизимида тайёрланмайди. Шу боис, мутахассислар кам, амалий тажриба эса йўқ. Шунингдек, аҳолининг ислом молияси ҳақида билим ва тушунчалари ҳам етарли эмас.

Юртимизда такафул ва унинг афзаллиги ҳақида ҳалигача тушунча ва билимлар етарли эмас, чунки бундай исломий суғурта ҳали кенг тарқалмаган ва ташвиқот етарлича олиб борилмаган.

**Хулоса ва таклифлар**

Такафулни Ўзбекистонда кенг жорий қилиш ва таълим дастурларида чуқур ўрганиш учун қуйидаги зарурий чоралар кўрилиши лозим:

1) Исломий молияни, хусусан исломий суғурта «такафул»ни тартибга солувчи қонунларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

2) Олий таълим тизимида исломий суғурта "такафул" бўйича мутахассислар тайёрлашни, қайта тайёрлашни йўлга қўйиш ва ошириб бориш, бунда албатта иқтисодий таълим дастурларига такафул тўғрисида алоҳида мавзулар киритилиши;

3) Такафул борасида аҳолининг саводхонлигини ошириш.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI**


[1]. islommoliyasi.uz веб-сайти маълумотлари.

[2]. "Apex Insurance" суғурта компанияси сайти маълумотлари https://apexinsurance.uz.

[3]. www.internationalinvestor.com веб-сайти маълумотлари

[4]. Ўзбекистон Республикасининг "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Қонуни. 2021 йил 23 ноябрда қабул қилинган. https://lex.uz/docs/5739117.

[5]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги "Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПҚ-4412-сон қарори.

[6]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 октябрдаги "Суғурта бозорини рақамлаштириш ва ҳаёт суғуртаси соҳасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-5265-сон Қарори

[7]. https://lex.uz/docs/5692504